Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
9 июль
ШАНБА
№ 55 (12899)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 8 июлдаги кенгайтирилган йиғилишида мазкур сайлов натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дахлдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди, унга мувофиқ аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давоми 2-бетда.



Ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда унинг энергетика салоҳияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистон кўмир саноати етакчи тармоқлардан бирига айланди. Бинобарин, иқтисодиёт тармоқларининг кўмир билан барқарор таъминланаётгани республикамизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг бекаму кўст амалга оширилишида муҳим омил бўлаётир.

Эътиборлиси, давлатимиз томонидан кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни тизимли ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишда, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, устувор инвестиция лойиҳалари шарофати билан ресурс манбалари кенгайтирилмоқда, кон ишлари хавфсизлиги таъминланиб, соҳада барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Қаранг, мустақилликнинг илк йилларида "Ўзбекқўмир" АЖнинг кўмир қазиб олиш ҳажми бир йилда ўртача 2 миллион 513 минг тоннани ташкил этган. 2001-2010 йилларда эса бу миқдор 2 миллион 769 минг тоннага етди. Ҳозирги кунга келиб, кўмир қазиб олиш ҳажми 3 миллион 651 минг тоннадан ошиб кетди. Истиқболли дастурлар рўёби билан бу кўрсаткич 2019 йилда 5 миллион 400 минг тоннага етказилади.

Қайд этиш жоизки, мавжуд кўмир захираларидан унумли фойдаланиш, республика ёқилғи-энергетика балансида кўмир улушини 20-25 фоизгача ошириш борасида истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, 2030 йилга бориб, кўмир қазиб олишни 14,0-15,0 млн. тоннага етказиш режалаштирилган.

Кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишчи-ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга сифатли ҳолда, узлуксиз етказиб беришни ташкил этиш бугуннинг талабидир.

2015 йилда "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамияти томонидан технологик алоқа ва маълумот алмашуви корпоратив тармоғи тўлиқ янгиланди. Бундан ташқари, марказлашган диспетчерлик назорати ва ишлаб чиқаришни бошқариш автоматлашган ахборот тизими жорий этилди. Шу тариқа, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси янада кучайтирилди ва ишлаш учун қулай шароитлар юзага келди.

Кўмир саноатини ривожлантириш дастурининг яна бир йўналиши бу аҳоли ва истеъмолчиларга ёқилғини ўз вақтида етказиб беришдир. Бугунги кунда мазкур йўналиш қамрови кенгаймоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийси вилоятларида ҳудудий-дистрибьюторлик марказлари фаолият юритмоқда. Мазкур марказлар жамиятнинг ҳудудий тармоқлари бўлиб, аҳолига тўғридан-тўғри хизмат кўрсатади.

Ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларидан яна бири, бу – ишлаб чиқаришдаги мавжуд қувватларни сақлаб қолиш баробарида модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш ҳисобига кўмир қазиб олиш жараёнини жадаллаштиришдир. Ушбу йўналишда "Шарғун" кўмир ҳавзасини модернизациялаш ва "Аппартак" конини қайта қуриш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада, 2018 йилга бориб "Аппартак"дан қазиб олинадиган кўмир ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга, "Шарғун" ҳавзасиники эса тахминан 45 баробарга ортиши кутилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Республикамиз ҳудудида аниқланган кўмир захиралари 3,3 млрд. тоннадан ошади. Фойдаланилаётган конлар захираси "Ангрен" кўмир ҳавзасида 1,8 млрд. тоннани, "Шарғун" ва "Бойсун" кўмир ҳавзаларида 45,9 млн. тоннани ташкил этади. Истиқболдаги кўмир конлари Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган.

www.th.uz
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси сайтини кузатиб боринг
Ҳаёт бу – ўйин эмас...
Зангиота: кут-барака ёғилган замин
Бир дарчада ўн хизмат

МУРҒАК ШУУРИДА БАХТ ТАЖАССУМИ

Сўлим кентда, сершув ўтлоқларда, гулу гулзорда, боғу бўстонларда ёз. Айниқса, болаларнинг шодон кулгулари жаранг сочиб турган оромгоҳларда ёзнинг тафти, ифори, қадри бўлакча.

❑ Ёз қувончлари

Бугун вилоятимизнинг қайси ҳудудига борманг, сўлим манзилларда, таълим маскан-ларида ташкил этилган оромгоҳларда мириқиб дам олаётган болажонлар шодлигига гувоҳ бўласиз. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун ташкил қилинган кундузги оромгоҳларда завққа тўлиб, пишиқчилик неъматларидан баҳра олиб, тинчлик шукуҳини мурғак шуури ила англаб, юрт меҳри билан улғаяётган болажонларни кузата туриб, шу азиз Ватанда, дилбар чаманда умргузаронлик қилаётганингиздан фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

Хусусан, Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Бунёд" оромгоҳида 14 ёшгача бўлган 65 нафар болажон мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Давоми 2-бетда.

❑ Мулоҳаза

«КЕЛИН БЎЛМИШ КОЛЛЕЖДА ЎҚИГАНМИ?»

Бугун совчиларни мана шу савол қизиқтириши керак

Шоҳистанинг кўнглига қил сиғмайди. Хонасига қамалиб олган. "Эртаиндин тўйи бўлай деб турган қизларда шундай бўлади ўзи", дея билағонлик қиладиган аммалар эса қуда томонни, бўлғуси куёвтўрани мақтаб чарчашмайди: "Бахти бор экан, Шоҳистанинг. Шундай жойга келин бўлаяпти: бой-бадавлат хонадон, данғиллама уй, топармон-тутармон куёв, ёлғиз ўғил... Нима бўпти, ўттиз ёшда бўлса, қайтанга хотиннинг қадрига етади... "Тенги чиқса, текин бер" деганлари шу. Ўзиям жуда келишган экан... Олдинги хотини, эсиз, шуларни қадрига етмабди, "ўқиганман" деб ҳаммага осмондан келарканда, ўзиям..."

Ҳа, куёвтўра ота-онасининг маслаҳати билан "билағон, ўзбошимча" хотинига жавоб берганига уч ой бўлди. Энди, у остона ҳатлаб кўчага чиқмаган, ҳатто, коллежда ҳам ўқимаган навниҳолгина Шоҳистага уйланаяпти...

Орадан кўп ўтмади. Таассуфки, хонадон эгаларига янги келин ҳам ёқмай қолди. Эмишки, уй-рўзғор ишларига уқувсиз, ношуд, на уйни эплайди, на эрни?! Ахир, мактаб партасидан тўғри ўзга уйга келин бўлиб тушган қиздан яна нимани кутиш мумкин?! Ҳали ғўр, "кўзи очилмаган" қизгина риоладагидек бека, соғлом, оқила она бўла оладими?

– Мен коллежда ўқимоқчийдим, ўқитмадинглар, ҳар куни эшитганим "ношуд", "саводсиз" деган ҳақоратлар...

– Афсус, ўқитувчингга ҳам қаттиқ гапириб юборувдим, – дея куюнади она. – Энди нима деган одам бўлдим?! Отангни раъйини қайтаролмадим, кечир қизим...

Давоми 4-бетда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ



Умуман, юқорида тилга олинган дастур рўёби учун ҳозирги кунга қадар "Ўзбеккўмир" томонидан жами 182,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Хусусан, кўмир қазиб олиш, ташиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур бўладиган 132 дона асосий воситалар, технологик қурилма ва жиҳозлар, шунингдек, 128 дона ёрдамчи техникалар харид қилинди. Бунгача жамият ишчи-ходимлари яроқсиз бўлиб қолган техника ва технологиядан фойдаланиб келишди.

Яна бир муҳим жиҳат. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 июндаги "Республикада кўмир брикетларини ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ республикамизнинг барча ҳудудларида кўмир брикетларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Эътиборлиси, кўмир қазиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан биргаликда, унинг сифатини янада ошириш, ижтимоий соҳа ва аҳолининг кўмирга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида бундай брикетларни ишлаб чиқаришга кичик бизнес субъектлари кенг жалб этилди. Бугунги кунда республикамизда йилига қарийб 770 минг тонна брикет ишлаб чиқариш салоҳиятига эга 106 та корхона фаолият юритаётгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"ги Қарори талаблари ижросини тўлақонли таъминлаш борасида, мавжуд тоғ-кон технологик ускуналарини таъмирлашда замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Унга кўра, Ангрен махсус индустриал зонасида Польша ва Эстония ишбилармонлари билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш жараёни якунланмоқда.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш мақсадида "Ўзбеккўмир" АЖ қошида "Тоғ-кон ускуналарини таъмирлаш" корхонаси фаолият юритиб келмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари бор-йўғи 20-22 турдаги 360 млн. сўмлик зарур эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштиришга муваффақ бўлган корхона, бугунги кунга келиб жами 229 турдаги 4,0 млрд. сўмлик зарур эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу билан маҳаллийлаштириш даражаси 35 фоизга етказилди. Бу, ўз навбатида, жамият корхоналарида импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ҳисобига жами 1,7 млн. АҚШ долларини иқтисод қилиш имконини берди.





Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида Ангрен кўмир ҳавзаси қўнғир кўмиридан ташқари бошқа фойдали қазилмаларга ҳам бойлиги, улардан самарали фойдаланишимиз зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ривожланган давлатлар амалиётида кўмир ва иккиламчи йўлдош фойдали қазилмалардан қарийб 70 хил турдаги қимматли компонентларни олиш технологиялари ишлаб чиқилган. Бу борада биз ҳам йиллар давомида йиғилиб келган кўмирли қолдиқлардан фермер хўжаликлари учун органо-минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, шунингдек, иккиламчи фойдали қазилмалар – каолиндан харидорбоп қурилиш материаллари (цемент ва бошқалар) ишлаб чиқариш каби инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Мухтасар айтганда, Истиқлолимизнинг қутлуғ 25 йиллик тўйини юксак марралар, эзгу орзу-умидлар билан қарши олаётган салоҳиятли жамоамизнинг ҳар бир аъзоси мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва жамиятимиз ижтимоий барқарорлигини таъминлашда ўзининг камтарона ҳиссаси борлигидан ҳақли равишда фахрланади.

Шуҳрат ПЎЛАТОВ,
"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бош директори.
Даврон АҲМАД олган суратлар.





Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси томонидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек, сайлов жараёнларини самарали ташкил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет нашрларида 1880 та материаллар чоп этилди, 2014 та телекўрсатувлар, радиоларда 2500 дан ортиқ чиқишлар, 10 та ижтимоий ролик тайёрланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг сиёсий онгини юксалтиришда ва сайловларни ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказиш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб фуқароларнинг сайланишида муҳим роль ўйнади.

Умуман, сайлов жараёнларида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга, 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир.

Шунингдек, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнларида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларидаги ўрни долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчилари янги сайланган фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Кенгаши сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари Кенгашларини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссияларини сайлаш, шунингдек, янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун соҳага доир қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Вилоятда
дув-дув гап

Хабарлар, янгиликлар

Пискент тумани ғаллакорлари 26 минг 600 тонналик ғалла хирмони бунёд этишни мақсад қилишган. Бунинг учун 8 минг 700 гектарда мўл ҳосил етиштиришди.

Айни кунларда ўрим-йиғим мавсуми якуний паллада. Эътиборлиси, аксарият фермер хўжаликлари контрактация шартномаларини ортиғи билан бажаришди.

Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати"да жорий йилнинг беш ойи мобайнида 280-230 тонна пўлат эритилиб, 302 минг 699 тонна навли прокат маҳсулотлар, шу жумладан, 78 минг 917 тонна пўлат золдирлари ҳамда 4 минг 577 тонна сим ишлаб чиқарилди. Бу борадаги белгиланган режалар зиёди билан бажарилди.

Куйи Чирчиқ туманидаги спорт тўгаракларида шуғулланаётган ёшлар қатор мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашаётир. Тумандаги 11-умумтаълим мактабининг эркин кураш тўгараги мураббийи, жисмоний тарбия ўқитувчиси Санжар Жангабоев иқтидорли ёшларга спорт сирларини ўргатмоқда.

2013 йилда ташкил этилган тўгаракда 50 га яқин ёшлар шуғулланади. Айниқса, Муҳаммадали Аралбоев, Шаҳзод Қўлдошев, Бехруз Исматиллаев, Алибек Азимов, Ёқубжон Қобулов каби ўсмирлар кўпгина мусобақаларда, шунингдек, вилоят, республика турнирларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлишган.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МУРҒАК ШУУРИДА БАХТ ТАЖАССУМИ



Оромгоҳда йўлга қўйилган бисер тикиш, меҳнат, шахмат, сузиш, мусиқа, драма каби тўгараклар ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотаётган бўлса, турли фанларга, хусусан, чет тилларига оид машғулотлар билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Машғулотлар 4 та тарбиячи, битта спорт мураббийи бошчилигида олиб борилмоқда.

– Туманимиздаги 12 та мактабда оромгоҳ, 66 тасида соғломлаштириш майдончалари очилиб, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди, – дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зангиота туман кенгаши раиси Гавҳар Жўраева. – Уюшмамиз томонидан 3 та йиғма бассейн, 120 та сакроғич, 24 тадан шахмат ва шашка, волейбол тўпи ҳамда бошқа зарурий анжомлар тақдим этилди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

Реклама ва эълонлар

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 26 июль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар тақроран қўйилмоқда: ЖИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 14.02.2014 йилдаги 74-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Газалкент-2, "Мариам текстиль сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 26 981 019 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10V994GA, "Ласетти" р-ли авна; ЖИБ Тошкент вилояти, Янгийўл тумани судининг 16.04.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, Янгийўл тумани СИБда сақланаётган, ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 44 915 400 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч., д/р. 10AZ049 ҳамда 10AZ050, "МАЗ-5551" р-ли юк ав-налари.

2016 йил 9 август куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 25.09.2013 йилдаги 1-221-сонли ижро варақасига асосан, Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Бекободгўштсутсавдо" МЧЖ УХБ омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 20 801 182 сўм бўлган, 2001 йилда и/ч., д/р. 10A355CA, "Дамас" р-ли ав-на; ФИБ Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 26.11.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, АТБ "Ҳамкорбанк" Чиноз филиалида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 18 750 000 сўм бўлган, 2011 йилда и/ч., д/р. 10V483EA, "Матиз" р-ли ав-на; ФИБ Зангиота туманлараро судининг 20.10.2015 йилдаги 6490-сонли ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, АТБ "Агробанк" Янгийўл тумани филиалида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 16 250 000 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., д/р. 10F233EA, "Матиз" р-ли ав-на. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "INFINbank"-даги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан: 1. 9.11.2015 йилдаги 24849-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат рақами ЕР 58-20 бўлган, "Т-25" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 983 834 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 9.03.2015 йилдаги 1-95-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 7857 бўлган, "Газ-24" русумли автотранспорт воситаси техник носоз ҳолда, бошланғич баҳоси - 893 700 сўм. 3. ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 18.08.2015 йилдаги 1-277-сонли ижро ҳужжатига асосан ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 F 891 КА бўлган, "ВАЗ 2101" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 2 159 000 сўм. 4. ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 17.08.2015 йилдаги 1-275-сонли ижро ҳужжатига асосан, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 N 851 АА бўлган, "Москвич" русумли автотранспорт воситаси техник носоз ҳолда, бошланғич баҳоси - 1 072 000 сўм.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 14.06.2013 йилдаги 11-1335/4814-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15-94 ЕЦ бўлган, "Класс - Доминатор" русумли комбайн, бошланғич баҳоси - 146 000 000 сўм.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 01.12.2015 йилдаги 1-284/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Е 244 DA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 27 662 472 сўм. 2. Тошкент вилояти Хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1408/7634-сонли ва 22.09.2014 йилдаги 11-1434/9165 - сонли ижро ҳужжатига асосан, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 698 VAA бўлган, "Супер салон" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 20 048 000 сўм. 3. Тошкент вилояти Хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1408/7634-сонли ва 22.09.2014 йилдаги 11-1434/9165-сонли ижро ҳужжатларига асосан, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 698 VAA бўлган, "Супер салон" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 20 048 000 сўм.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти Хўжалик судининг 17.12.2015 йилдаги 11-1506/15640-сонли, 26.02.2016 йилдаги 1632/7570-сонли, 05.03.20162016 йилдаги 1602/1262-сонли ва 18.04.2016 йилдаги 1632/3172-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган: 1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 879 LAA бўлган, "Уаз 452Д" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 9 645 000 сўм. 2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 875 LAA бўлган "Газ 5201" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 12 920 000 сўм. 3. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 865 LAA бўлган, "Газ 53АЦ46" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 17 523 000 сўм. 4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 315 АА бўлган "Днепр11" русумли мотоцикл, бошланғич баҳоси - 2 854 000 сўм. 5. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 876 LAA бўлган, "Камаз 5410" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 29 341 000 сўм. 6. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 873 LAA бўлган, "Маз 5335" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 25 457 000 сўм. 7. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 871 LAA бўлган "ММЗ 4502" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 29 897 000 сўм. 8. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 870 LAA бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ 31029" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 15 574 000 сўм. 9. 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 872 LAA бўлган, "Газ 5204" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 16 117 000 сўм.

Шунингдек, 2016 йил 29 июлда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: Оққўрғон тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ЖИБ Миробод судининг 02.06.2014 йилдаги 1-100-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 С 4525 бўлган, "Газ-53" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 8 081 370 сўм. 2. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 883 НА бўлган, "Москвич - 412" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 477 900 сўм. 3. ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 14.05.2014 йилдаги 1-201-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат рақами 10 О 908 ЕА бўлган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 9 596 997,76 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бино-нинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер май-дони (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Савдо куни 2016 йил 10 август соат 11.00 да Объектнинг сотиш қиймати (сўм ва фоиз кўрсатилиши)
1	6-уйнинг биринчи қаватида жойлашган "дўкон" бино-иншоотлари	1187,67	-	Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	803 805 000,0	**401 902 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
2	"Нотураржой" биноси	1455,72	1,030	Юқори Чирчиқ тумани, Наврўз ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	709 488 000,0	**354 744 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
3	"Маиший хизмат биноси"	496,0	0,050	Чирчиқ шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 33-уй	"Ғишт заводи" хусусий корхонаси	414 315 000,0	**207 157 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
4	"Дўкон биноси"	1422,57	-	Чирчиқ шаҳри, Шимолий кўчаси, 55-уйнинг биринчи қавати	"Ғишт заводи" хусусий корхонаси	770 556 000,0	**385 278 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
5	Ангрен нефть базаси	163,6	1,500	Ангрен шаҳар ҳудуди	"Кучлик нефть базаси" унитар корхонаси	834 057 000,0	**417 028 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
6	Механик таъмирлаш цехи	2368,32	1,650	**Ангрен шаҳри, Қизилтоғ (Красногорск) қўрғони**	НГКМ Жанубий кон бошқармаси	860 907 000,0	**430 453 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
7	**Собиқ "10-сонли умумий ўрта таълим мактаби" биноси**	715,52	0,420	Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди	Пискент тумани ҳокимлиги	86 674 000,0	**43 337 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
8	Собиқ болалар боғчаси бино ва иншоотлари	927,95	0,646	Юқори Чирчиқ тумани, Арганчи ҚФЙ, "Ободон" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	759 671 000,0	**379 835 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
9	Ҳаммом (сауна) бино ва иншоотлари	261,69	0,026	Чирчиқ шаҳри, Х. Махсудов кўчаси, 3-уй	"Чирчиқ автобус таксомотор саройи" МЧЖ	264 145 860,0	**132 072 930,0 (50 фоизга камайтирилган)**
10	Фойдаланилмаётган почта бино ва иншоотлари	115	0,012	Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси, 1-А уй	"Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси" МЧЖ	102 751 131,0	**51 375 565,5 (50 фоизга камайтирилган)**
11	34-сонли болалар боғча бино-иншоотлари	1488,64	0,650	Чиноз тумани, Гулзоробод ф/у	Чиноз тумани ҳокимлиги	725 680 000,0	**362 840 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
12	Ўқув ишлаб чиқариш корпуси бино ва иншоотлари	1513,7	0,316	Янгийўл тумани, Хўжаобод қўрғони	"Олмазор тажриба-механика таъмирлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси" ДК	961 238 000,0	**480 619 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
13	"Нилуфар" болалар боғчаси бино-иншоотлари	833,96	0,460	Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	867 450 000,0	**433 725 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
14	"Халқобод" поликлиникасининг икки қаватли биноси	719,72	0,252	Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ	Янгийўл тумани, тиббиёт бирлашмаси	469 343 000,0	**234 671 500,0 (50 фоизга камайтирилган)**
15	"Бўстонлиқ" клуб биноси	1074,1	0,1075	**Бўстонлиқ тумани, Газалкент ҚФЙ**	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	988 830 000,0	**494 415 000,0 (50 фоизга камайтирилган)**
16	"Кончи" маданият уйи биноси"	826,44	0,237	Ангрен шаҳри, Жигаристон ҚФЙ ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	743 633 000,0	**743 633 000,0**
17	"Собиқ Янгиобод болалар боғчаси биноси ва иншоотлари"	473,24	0,4	Ангрен шаҳри, Янгиобод ҚФЙ ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 030 790 000,0	**1 030 790 000,0**
18	"Марказий шифохонанинг онкология бўлими биноси"	1248,05	0,51	Ангрен шаҳри, Дукент қўрғони, Ўқитувчилар кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 142 935 000,0	**1 142 935 000,0**
19	"18-сон ҚВП бино ва иншоотлари"	217,14	0,0217	Бекобод тумани, Қиёт ҚФЙ ҳудуди	Бекобод тумани ҳокимлиги	73 762 000,0	**73 762 000,0**
20	"2-сон ФАП бино ва иншоотлари"	67,97	0,0067	Бекобод тумани, Кунончи ҚФЙ ҳудуди	Бекобод тумани ҳокимлиги	22 579 000,0	**22 579 000,0**
21	"5-сон ФАПнинг бино ва иншоотлари (14-ҚВП)"	70,15	0,007015	Бекобод тумани, Чаноқ ҚФЙ ҳудуди	Бекобод тумани ҳокимлиги	21 733 000,0	**21 733 000,0**
22	"Далварзин таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25,85 фоиз давлат улуши	14316,15	4,852	Бекобод тумани, Далварзин ҚФЙ ҳудуди	"Далварзин таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамияти	1 373 158 000,0	**1 373 158 000,0**
23	"Собиқ техникум биноси"	1451,85	1,8425	**Чирчиқ шаҳри, Заковат (аввалги Охунбобоев) кўчаси, 2-уй**	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	7 363 390 000,0	**7 363 390 000,0**
24	"Qibray hamkor savdo" ДУК	0,048817	488,17	Қибрай тумани, Қибрай ШФЙ, Зебинисо кўчаси, 21-А уйда жойлашган	"Qibray hamkor savdo" ДУК	304 706 000,0	**304 706 000,0**
25	"Собиқ 20-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари"	1193,7	1,0	Олмалиқ шаҳри, Байналминал жангчилар кўчаси ҳудуди	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	1 043 151 000,0	**1 043 151 000,0**
26	"Собиқ 30-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари"	624,5	0,3	Олмалиқ шаҳри, Фарғона кўчаси, 1-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	459 843 000,0	**459 843 000,0**
27	Марказий руда бошқармасининг "Бригантина" болалар соғломлаштириш оромгоҳи"	883,6	11,5	Паркент тумани, Номданак ҚФЙ ҳудуди	Паркент тумани ҳокимлиги	4 251 730 000,0	**4 251 730 000,0**

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси: ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларида қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки куни 2016 йил 10 август ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 26 август, 12 сентябрь, 27 сентябрь, 12 октябрь, 27 октябрь, 11 ноябрь, 28 ноябрь, 13 декабрь, 28 декабрь, 2017 йил 12 январь ва 27 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Бунда, биринчи офертани ўтказишда таклиф этиладиган сотиш нархи объектни оммавий савдоларга қўйишдаги дастлабки бошланғич нархда, кейинги оферталарни ўтказишда (савдоларда сотилмаган тақдирда) - нарх босқичма-босқич ҳар 15 кунда 10 фоизга пасайтирилади, лекин, бу дастлабки аукцион (танлов)га қўйилган нархнинг 50 фоизидан паст бўлмайди ҳамда савдога қўйиш нархи дастлабки савдога қўйиш нархининг 50 фоизигача пасайтирилгандан кейин 3 (уч) ой муддат туради.

Сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш.

Оммавий офертада қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

b) жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

3. Елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

- агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллиги ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz,www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан 26.05.2016 йилдаги 2625-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Пискент тумани, А. Дўстбеков ф/у, 1-бўлим манзилидаги, умумий 1315,59 кв.м. ер участкасида жойлашган, қурилиш ости майдони 303,27 кв.м., фойдаланиш майдони 355,71 кв.м.дан иборат, 16-сонли дўкон ва тегирмон биноси, бошланғич баҳоси - 44 000 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан 09.11.2015 йилдаги 24849-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Яралихўжаев кўчаси манзилида жойлашган, умумий майдони 450,3 кв.м.дан иборат маъмурий бино, бошланғич баҳоси - 166 869 960 сўм.

Шунингдек, 2016 йил 29 июль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Бекобод тумани СИБ томонидан 23.06.2015 йилдаги 5880/81/82/8384/85/86-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Бобур ф/у, Тақачи қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 264,87 кв.м.да жойлашган "клуб биноси", бошланғич баҳоси - 47 684 700 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.

Лицензия RR-0052.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига:

I. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан:

1. 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, 8/153-сонли уйда жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган, "дала ҳовли" аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 29 069 568 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Файз" дала ҳовли уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 0,0611 Га бўлган, 0001 литердан иборат 14-сонли дала ҳовлининг бино ва иншоотлари савдога такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 7 721 850 сўм.

3. 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, Бобур маҳалласи, "Apex Tech Trading" МЧЖ ҳудудидаги 1,21 Га ер майдонида жойлашган: литер 0001-нотурарбино, литер 0005-нотурарбино, литер 0006-бостирма, литер 0007-нотурарбино, литер 0008-бостирма, литер 0010-тарозихона биноси, литер 0011-тарози биноси, литер 0012-қоровулхона биноси, литер 0013-насос иншооти, литер 0014-бостирма, литер 0015-ёрдамчи бино, литер 0016-ҳожатхона, литер 0017-насос биноси, литер 0018-сув тозалаш ҳовузи ва тўсиқ девордан иборат "Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш цехи" бино ва иншоотлари савдога такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 1 357 959 035 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, 23.06.2016 йилдаги 4051-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, қурилиш остидаги ер майдони 83,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 64,1 кв.м.дан иборат бўлган, "2-сонли хонадон" савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 22 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 август куни соат 12.00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 26 июль куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 22 июль соат 16.00 гача, 2016 йил 10 август куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 8 август соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13, расмий сайт: www.nea.uz.

Лицензия RR-0148.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 12.03.2015 йилдаги 1014/13406-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси, 9-А уй, "ЭЛУС" ИИЧК ҳудудида сақланаётган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. "ТФЗМ-220ВТ" (покрышка опорная фарфоровая 220 кв П2300/700 104 дона), бошланғич баҳоси - 1 157 114 576 сўм 70 тийин. 2. "ТФЗМ-110ВТ" (покрышка опорная фарфоровая 110 кв П1430/420), бошланғич баҳоси - 766 304 350 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 август куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 9 август куни соат 18.00 да. Юқоридаги мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

«КЕЛИН БЎЛМИШ КОЛЛЕЖДА ЎҚИГАНМИ?»

Мулоҳазаларимизни ушбу воқеа билан бошлаганимиз бежиз эмас. Якунланган ўқув йилида вилоятимиз мактабларини 35 минг 646 нафар ўғил-қиз битириб, ўзлари истаган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ёки лицейларда ўқиш учун ҳужжат топширишди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва уларга қабул қилиш режасини шакллантириш бўлими бош мутахассиси Жавлонбек Назаровнинг айтишича, бу йилги мактаб битирувчиларининг 34 минг 155 нафари вилоятимиздаги академик лицей ва коллежларга, 1 минг 299 битирувчи Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардаги, 30 нафари эса махсус йўналишдаги таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Қолган 162 нафари эса турли сабабларга кўра, ҳозирча ўрта махсус таълимга жалб этилмаган...

Мутахассиснинг айтишича, мазкур битирувчилар соғлиги ёки бошқа жойга кўчиб кетиши сабабли ҳужжат топширмаган экан. Аммо, бирор жиддий сабабсиз эртамиз давомчилари таълимнинг кейинги босқичидан қолиб кетаётган бўлсаларчи? Бунга ота-она, маҳалла-кўй, ҳатто ўқитувчилар ҳам жон куйдириши, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши керак эмасми?

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандининг соғлом, оқил ва доно, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди. Бинобарин, Бош Қомусимизнинг 41-моддасида ёшларнинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этишдан мақсад ҳам, аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг порлоқ келажагини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва фуқаролик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишдан иборатдир. Зеро, ҳар қандай мамлакат қудрати унда камол топаётган ворислар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис ҳам дунёда "ўзбек модели" дея эътироф этилган тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда таълим ривожига устувор масала сифатида қаралади.

Бунинг учун истиқлол йилларида қанча имконият шарт-шароитлар яратилмади, дейсиз?! Биргина вилоятимизда 129 та ўрта махсус таълим муассасаси мавжуд. Қувонарлиси, уларнинг 69 таси янгидан қурилди, 60 таси қайта бунёд бўлди.

Замонавий техник ускуналар билан таъминланган, барча қулайликларга эга, кенг, ёруғ таълим муассасалари учун 120 миллиард сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, 7,2 миллиард сўм ҳисобидан 10 та касб-ҳунар коллежи учун 550 ўринли ўқувчилар тураржойи қурилди.

Бундан ташқари, таълим тизими ривожига йўналтирилаётган хориж грантлари ҳажмининг ортиб бораётгани вилоятимиз ўқув-таълим муассасалари фаолиятининг яна ҳам мукаммаллашувига хизмат қилмоқда. Корея, Япония, Польша, Германия, Швейцария каби давлатлар ҳамда Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган грант маблағлари ёшларнинг ҳар томонлама пишиқ, пухта билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашмоқда. Сўнгги беш йил давомида вилоятимизнинг барча коллеж, лицейларига 19,2 миллиард сўмлик замонавий ўқув лаборатория, устахоналар жиҳозлари ҳамда ўқув-транспорт воситалари етказиб берилди...

Инсон "олдидан оққан сув"нинг қадрига етиши керак. Аммо, бунга ҳаммамиз ҳам амал қилаяпмизми?! Дунёда содир бўлаётган воқеаларга эътибор беринг: ўқиш у ёқда турсин, бир бурда нонини тинчликда, хотиржамликда ейиш бахтидан мосуво инсонларнинг хавотир, ҳадик тўла кўзларига бир боқинг, хонумонидан айрилган қирғинбарот уруш қурбонлари, дарбадарларини кўз олдингизга келтиринг. Ана шунда, балки, озод ҳаёт, тинч, фаровон турмуш, яшаш, ўқиш, изланиш, интилиш учун яратилган шароит, берилган имкониятлар қадрини янада чуқурроқ ҳис этарсиз.

Бекободлик Марҳабо Ғафурова мана шундай ҳаёт ҳақиқатларини теран ҳис этадиган ёшларимиздан. У тумандаги техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқийди. "Коллежда ўқиш мен учун янги ҳаёт саҳифасини очиб берди, – дейди у. – Юртбошимизнинг биз қизларнинг тақдири учун қайғуриб айтган сўзлари доим ёдимда. Ота-онам ҳам уч йил давомида ўқиб, ўрганиб, билимли, шунингдек, аниқ бир касб эгаси бўлишимдан мамнун. Келажакда иқтисодиёт соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб, Ватаним тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш орзусидаман..."

Марҳабо коллежда ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол. У "Камолот" етакчиси. Демак, унинг ҳаётда ўз ўрни, орзу интилишлари, мақсади бор.

– Қизлар тарбияси ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунга яраша ҳаракат қилсак ўзимизга фойда, – дейди шифокор Мавлуда Абдуллаева. – Баъзи ота-оналар қизларини тезроқ узатиб, ортиқча ташвишдан қутулмоқчи бўлишади. Аммо, 17-18 ёшли қизлар ҳали оналикка, уй бекалигига тайёр бўлолмайди. Бундай вужудда пайдо бўлган ҳомиланинг ногирон туғилиши хавфи кучли бўлади.

Шу ўринда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақолни ҳам эслаб қўйсак ёмон бўлмасди. Ахир, ҳар қандай фарзанд, ўғилдир, қиздир, энг аввало, ота-онадан ибрат олади. Оилада тўғри тарбия топган, маънавий соғлом муҳитда ўсган ёшлар ташқи таъсирга берилавермаслиги ҳам бор гап. Қолаверса, ўқитувчилар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам бу масалага бефарқ қарашлари мумкин эмас.

Зотан, ёшлар тарбиясига ҳамма масъул. Вақтида уларга тўғри йўл кўрсатиш, илмли, билимли, ҳунарли, юксак маънавиятли, маданият, маърифатга ошно бўлиб ҳаётга кириб боришлари учун, аввало, биз катталар – ота-она, қўни-қўшни, ўқитувчи-мураббийлар жавобгармиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

XXI аср ва дунё

Рақобат учун миллиардлар



Чехиянинг "Avast!" антивирусини ишлаб чиқарувчи компания веб-сайтида янги маълумот пайдо бўлди. Унда баён этилишича, компания ўз рақобатчиси бўлган "AVG Technologies" акцияларини сотиб олган.

Бу битим учун "Avast!" нақд 1,3 миллиард АҚШ долларини йўналтирган. Компания мазкур амалиёт учун бир неча банкларни ўз ичига олувчи консорциум маблағига таянган.

Келишувнинг бош мақсади антивирус бозорининг "Касперский лабораторияси" каби етакчи намояндалари билан рақобатда нуфузини мустаҳкамлашдир. У тўлиқ рўёбга ошгач, "Avast!" ва "AVG" тизимлари биргаликда 400 миллионга яқин қурилмага хизмат кўрсата бошлайди.

Буромадли нуқсон



"Windows"да интернет трафигини ўғирлаш имконини берувчи нуқсон борлиги аниқланди, деб ёзмоқда айрим хориж нашрлари. Бундай хулосага хитойлик ахборот хавфсизлиги мутахассислари бир қанча изланиш ва кузатувлардан сўнг келишди.

Мутахассисларнинг эътирофича, бундай нуқсон операцион тизимнинг охирги шаклланган русумларига тегишли эмас. Бироқ, "Windows XP" ва "Windows Server 2003"ларда бу камчилик сақланиб қолган, дейишмоқда улар.

Уйнинг чироғи ёниқ қолса...



Германиянинг "Volkswagen" автоконцерни ва Жанубий Кореянинг маиший техника ишлаб чиқарувчи "LG" компанияси ўзаро ҳамкорлик келишувини имзолади. Бу келишувнинг моҳияти "ақлли машина" ишлаб чиқаришга қаратилган.

Гап шундаки, бундай уловда ҳайдовчи янги дастурий таъминот воситасида ўз уйи билан боғланиб, сигнализацияни текшириши ва ҳатто, чироқни ёқиб ўчириши мумкин. Бу янгилик ахборот алмашинувида булутли хизматдан фойдаланувчи мультимедиа тизимининг янги авлоди сифатида намоён бўлиши кутилмоқда.

Ван Даммга Тайсон ҳамдам



Холливудлик актёр Жан-Клод Ван Дамм 1989 йилда суратга олинган "Кикбоксчи" фильмининг янги талқиндаги давомида роль ижро этмоқда, деб хабар бермоқда "Varienty" нашри.

Суратга олиш ишлари қисқа муддатда якунланиши кутилаётган фильмнинг ишчи номини ижодкорлар "Кикбоксчи: мукофот" деб номлашган. Ван Дамм картинада жанг санъати устаси Дюран образида гавдаланади. Яна бир қизиқ жиҳат, картинада бокс афсонаси Майк Тайсон ҳам роль ижро этаяпти. Унинг қаҳрамони қамоқхона жанжалларини бартараф этувчи ғаройиб шахс.

Қайд этиш зарурки, биринчи фильм суратга олинганда маҳоратли киноактёр 29 ёшда бўлган.

Йўлнинг ёмони қурсин



Ҳиндистоннинг Ражастан штатида содир бўлган икки автоҳалокатда камида 24 киши қурбон бўлиб, 50 дан ортиқ киши тан жароҳати олгани айтилмоқда.

Биринчи ҳодисада ярим тунда тиркамасида 50 дан ортиқ кишини олиб кетаётган трактор тепаликда юк машинаси билан тўқнашган. Оқибатда воқеа жойида 13 киши ҳаётдан кўз юмган. Иккинчи бахтсиз ҳодиса эса юк машинаси ва автобус тўқнашуви билан боғлиқ бўлиб, 11 кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлган.

Ахборот тарқатувчи манбалар ҳар икки ҳолатга ҳам йўлларнинг нобоплиги ва ҳайдовчиларнинг малакаси етарли эмаслигини бош сабаб қилиб кўрсатмоқда. Бинобарин, мазкур давлатда автоҳалокатлар сабабли кунига ўртача 400 кишининг ёстиғи қурир экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

РОНАЛДУНИНГ ГАПИНИ ЭШИТДИНГИЗМИ?

Футбол бўйича Европа чемпионати ҳам якунловчи босқичига етиб келди. Бир ой давомида мухлисларни ҳаяжонда ушлаб турган мусобақанинг финал баҳсида мезбон – Франция термаси Португалияга қарши майдонга тушадиган бўлди. 10 июль оқшомида дунё футбол ихлосмандлари Европанинг бугунги энг кучли терма жамоасини аниқлаб оладилар.

Португалия термасининг финалда иштирок этишини ҳеч ким, ҳаттоки жамоанинг ашаддий мухлислари ҳам кутмаган бўлса керак. Зеро, мусобақани анчайин суст ўйин билан бошлаган Португалия 3-ўрин билан амаллаб гуруҳдан чиқиб олди. Буёғига эса 2006 йилги Италия терма жамоаси сингари йўлида учраган рақибни мағлубиятга учратиб, финалгача етиб келди. Жамоанинг асосий юлдузи Криштиану Роналду дастлаб унчалик ишончли ўйин кўрсатмаган бўлсада, ярим финалда айнан унинг саъй-ҳаракатлари эвазига Уэльс 2:0 ҳисобида таслим этилди. Учрашувнинг 50-дақиқасида Роналдунинг ўзи ҳисобни очган бўлса, орадан уч дақиқа ўтиб, Нанига голли узатма бериб, жамоаси ғалабасини таъминлади. Мазкур учрашувдаги голи билан Роналду мусобақа тарихида 9 та гол урган Мишель Платинининг рекордини такрорлади ҳамда Европа чемпионатлари ярим финалида уч марта ўйнаган дастлабки футболчи бўлди.

Ярим финалнинг иккинчи баҳсида Франция ҳамда Германия термалари ўзаро куч синашди. Мазкур баҳс кўпчилик мутахассислар фикрига кўра, финалдан олдинги финал дея эътироф этилди. Бу учрашувда ҳам 2:0 ҳисоби қайд этилиб, французларнинг ғалабаси билан якунланди. Ўйин кутилганидек, шиддатли ҳужумларга бой тарзда ўтди. Франциянинг ҳар иккала голига ҳам Антуан Гризманн муаллифлик қилиб, жамоасини финалга олиб чиқди ва амалда турнирнинг энг яхши тўпурарига айланиб олди. "Немис машинаси" ҳарчанд ҳаракат қилмасин, жавоб голини ура олмади.

Бевосита финал учрашуви ҳақида тўхталадиган бўлсак, Португалия терма жамоаси Францияга қарши охирги 10 та учрашувнинг бирортасида ҳам ғалаба қозонмаган. Хўш, Роналдунинг жамоадошлари бу сафар мазкур нохуш анъанага барҳам бера олишадими? Ёки Франция анъанани давом эттириб, яна ғалаба қозонадими? Дарвоқе, португалиялик футбол юлдузи жамоасининг "Евро – 2004" финалида ўз уйида Грецияга ютқазганини эслаб, "Бу сафар мезбон эмасмиз" деб айтган гапига қараганда... Майли, бу саволларнинг барчасига эртага ярим тунда бошланадиган ўйинда жавоб оламиз.

Ўйин қандай натижа билан якунланишидан қатъи назар, мухлислар ажойиб футбол шоусининг гувоҳига айланишлари шубҳасиз!

Ф. РАВШАНОВ.



ТАОМИЛ



Ҳангома

Маматполвон бувасидан қолган эски уй нураб, томнинг орқа девори қўшнининг ҳовлисига ағанай деб қолгач, янги уй қуриш тараддудини бошлади. Пойдевор, девор, одатдагидек, ҳашар йўли билан кўтарилди. Тўсин ҳам шу йўсинда терилиб, томнинг усти ёпилди. Энди буёғига уста чақириш керак. Аммо, уста деганингиз бекорга келмайди. Уч-тўрт кун тараққа-туруқ қилади-ю, бор-йўғингизни шилиб кетади.

Маматполвон қуюқ қошларини астойдил чимирганча узоқ ўйлади ва: "Устанинг бегонаси хонавайрон қилади, яхшиси ўзимга қарашли бирорта дурадгор топганим маъқул", деган қўлбола қарорга келди.

Полвон эртасига эрталаб қашанг эшагини эгарлади-да, қўшни қишлоққа ўтиб, узоқ қариндош бўлмиш иккита ёш йигитчани бошлаб келди, нима қилиш кераклигини эринмай тушунтирди. Усталар енгил нонушта қилиб олишгач, енг шимариб тараққа-туруқни бошлаб юбордилар.

Биз томонларда бир одат бор. Уста (сувоқчи, дурадгор) ишни битиргач, юз-қўлини ювади, асбоб-ускуналарини йиғиштириб, халтасига жойлайди ва дастурхонга келиб ўтиради.

– Оз бўлса, кўп ўрнида кўрасиз-да, уста, – дейди.

Уста номига бўлса ҳам: "Қўяверсангиз бўлармиди...", дея дастурхондаги пулни мезбон томонга сал суриб қўяди.

– Олаверинг, кўнгилдан чиқариб бераяпман, – дейди уй эгаси ва пулни аввалги жойига жилдиради.

Бу таомил бир-икки қайтарилгач, ниҳоят, уста пулни олади.

Қўшни қишлоқлик уста йигитчалар орадан 3-4 кун ўтиб, ёғоч ишларини ниҳоясига етказишди. Юз-қўлларини ювиб, дастурхонга келиб ўтиришди. Таом ейилиб, фотиҳа ўқилгач, Маматполвон чайналиб гап бошлади:

– Ҳалиги... хизмат ҳақларингга қанча берсаммикин-а?

Чайналишда усталар ҳам полвондан қолишмади:

– Ҳа, энди тоға, ўзингиз билиб бераверасиз-да...

Полвон қўйнини узоқ кавлади. Охири топди шекилли, бир қисм пулни дастурхоннинг бир четига омонатгина қўйиб, деди:

– Кўнгилдан чиққани. Олинглар, ҳар ҳолда пул ётта кетмаяпти-ку.

– Қўяверсангиз бўлармиди, тоға, – дейишди усталар таомил бўйича.

– Шунақа дейишларингни билардим, раҳмат укалар, – деди хурсанд бўлиб кетган полвон ва дастурхон четидаги пулга аста қўл узатди.

– И-и, – деворишди усталар баб-баравар, – таомил бўйича яна икки марта "олинг, олинг", дейишингиз керак-ку, тоға!

Аҳмад ОҒА.

Қонун ҳимоясида

Жамиятдаги ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси – Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилишдан иборат. Бироқ, носоғлом муҳитда тарбия топган ёхуд нафси амморанинг куйига ўйнаган айрим кимсалар олмага тушган қурт мисол текин ҳаёт, енгил-елпи пул топиш йўлини танлаб, жамоатчиликни ташвишга солиши ҳам бор гап.

НАФС КИШАНЛАРИ

Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка қарши исён бўлмаса, у, албатта, ўз нафсининг қурбонига айланади. Ҳалим Набиев ва Ҳайдар Муқимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам нафс қурбонига айланган кимсалардан. 2013 йилдан бошлаб "Сетора" (номи ўзгартирилган) МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келган Ҳалим Набиев ва жамиятнинг норасмий раҳбари Ҳайдар Муқимов ўзларига ўхшаш кимсалар билан тил бириктириб, жиноят содир этишди.

Улар намунавий лойиҳа асосидаги 10 та уй-жойнинг қурилишини қасддан танловдан ўтказмай, қалбаки баённома расмийлаштиришди. Шу тариқа 1 млрд. 85 млн. 380 минг 634 сўмлик иш бажарилгани ҳақида сохта маълумотномалар тайёрлаб, 243 млн. 530 минг 8 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини қўшиб ёзишди. Натижада, кўп миқдордаги пул тақроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинди.

Суд жиноят иши материалларини кўриб чиқиб, судланувчилар Ҳалим Набиев ва Ҳайдар Муқимовнинг қилмишига яраша жазолади.

Хусусан, Ҳалим Набиевнинг муқаддам судланмагани, оилада ягона боқувчи экани ҳисобга олиниб, унга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 3 йилга, озодликдан эса, 5 йилу 1 ой муддатга маҳрум этиш жазоси лозим топилди. Ҳайдар Муқимов эса умрининг 2 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Қуш ҳам нафсидан илинади, дейишади. Зотан, айбдорлар қилмишларига яраша жазо олишди. Уларга тайинланган жазо муддати осуда, тинч кунларини қўмсаб, қилмишларидан сабоқ ва хулосалар чиқаришлари учун кифоя қилса, ажабмас.

Акбар НИҒМОНОВ,
вилоят прокурори ёрдамчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Фарҳод ТОЛИПОВ
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6441. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.45.